

ЎЗБЕКИСТОНДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399492>

Нарзуллаев Улуғбек Дилшод ўғли

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети
департаменти етакчи мутахассиси, мустақил
изланувчи

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан айрим фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизими, мақсадли индикаторлар, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, бюджет харажатларининг мақсадлилиги, натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат молиявий назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат қарзи сифатида жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши тўлақонли ва самарали ташкиллаштириш муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат харажатлари амалга оширилган ҳолда бозор иқтисодиёти бажара олмайдиган ижтимоий ҳимоя, аҳоли банлигини таъминлаш, хусусий сектор кўрсата олмайдиган хизматларни кўрсатиш каби вазифаларни давлат бажаради. Давлатнинг ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнидаги иштироки мамлакат ҳаётида шунчалик муҳим ўрин эгаллар экан, демак бу жараённи амалга оширадиган солиқ-бюджет сиёсати ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон “2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикасида молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси тасдиқланган ҳамда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизими давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг бир йўналиши сифатида тобора долзарблик касб этмоқда.

Амалиётда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий қилиш зарурати ва мақсадга мувофиқлиги, қоида тариқасида, бир қатор аниқланган ҳолатлар мавжудлиги билан изоҳланади:

1. Бюджет харажатлари самарадорлигини оширишнинг анъанавий усуллари (биринчи навбатда, очик танловлар, молиявий интизом ва ғазначилик технологияларини кучайтириш) амалда ишдан чиққан ва бюджет номутаносиблиги ёки бюджет (давлат) хизматларининг етарлича юқори сифати йўқолган.

2. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган кўрсатилаётган хизматлари даражасининг олдинги позицияларини сақлаб турган ҳолда бюджет харажатларини камайтириш учун кескин чоралар кўришни талаб қиладиган бюджет инқирози шароити мавжуд.

3. Маҳаллий давлат бошқарув органларида (маҳаллий ҳокимликлар) самарали бошқарувни амалга оширишда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимидан фойдаланиш янги даражадаги бошқарув борасидаги ечим сифатида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида НЙБ тизимни жорий этиш бўйича бир нечта тизимли ва услубий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу жумладан:

1. Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш тизими тўлиқ жорий этилди (Давлат бюджети параметрлари ва келгуси 3 йиллик мўлжаллари Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланмоқда).

2. Биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тушунчаси амалиётга жорий этилди, давлат бюджети биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида режалаштирилмоқда.

3. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тимсолида вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларини тақсимлашдаги мустақиллиги ва масъулияти оширилди.

4. Бюджет харажатларидан кутилаётган мақсадли индикаторлар жорий этилди.

Ушбу ўринда қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида 5 та штат бирлигидан иборат Бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли услубларини жорий этиш бўлими ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 40 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2022 — 2024 йиллар

учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида НЙБ тизимни жорий этиш бўйича кейинги қадамлар сифатида қуйидагилар амалга оширилиши таклиф этилади:

1. Кейинги йил учун Давлат бюджети параметрларидан келиб чиқиб барча биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг мақсадли индикаторларини ишлаб чиқиш, шу жумладан Давлат бюджети харажатларининг камида ярмини мақсадли индикаторлар билан қамраб олиш.

2. Вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш ва уларни самарадорлигини баҳолаш тартибини жорий этиш.

3. Бюджет таснифига НЙБ тизими доирасида дастурий таснифнинг жорий этилишини кўзда тутвчи ўзгартиришлар киритиш.

4. Вазирлик ва идораларнинг мақсадли индикаторлари ижросини мониторинг қилиш имконини берадиган шаффоф ва мустақил механизм яратиш. Бунда, кенг жамоатчиликни жалб этишни кўзда тутиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори.